

Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража

Стратегик бошқарув ва лидерлик

соҳаси бўйича

Профессионал Диплом

9-модул: Сифатни стратегик бошқариш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96540 3

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

Мундарижа

Кириш	1
9-модул: Сифатни стратегик бошқариш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	15
Дарс режаси	27
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	48

Кириш

Мазкур манбалар буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профessional Диплом спецификациясини тўлдирувчи материалдир. Спецификация сизни нимани ўқитиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Ушбу буклетда сиз юқоридаги вазифани қандай бажариш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва ғояларни топасиз.

Буклет сизга дарс ўтиш ва таълим бериш борасида ғояларни тақдим этган ҳолда, ўз ичига, шу жумладан амалий дарслар, реалистик сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш йўллари ва мустақил таълимни бошқариш ҳамда баҳолаш услубларини олади. Буклет, шунингдек спецификацияда акс этган маълумот қай тарзда амалиётда ишлашини намоён этиб, сизни малака оширишнинг турли йўллариини излашга рухлантиради.

Мазкур манбалар буклети қуйидагиларни тақдим этади:

- модуларни қай тарзда квалификацияни ўқитишга кўмаклашиши тўғрисида қўлланма;
- модуларни квалификацияни ўқитишга ёрдам берувчи тавсия этилган манбалар;
- квалификация барча модуллариини қамраб олган мавзу, вазифа ва баҳоларни тушунтириб берувчи ишлар схемаси;
- модул бўйича қай тарзда дарсларни ўтиш тўғрисида батафсил қўлланмали Дарс режалари;
- барча квалификация модуллариини баҳолашни ўтказишда кўмаклашувчи Мустақил топшириқ йўриқномалари.

Мазкур манбалар буклетидаги маълумот квалификацияни тузиш билан яқин боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан йиғилганлиги сабаб, улар BTEC малака ошириши ўқитилишининг янги ва қизиқарли услубларини излаш билан боғлиқ муаммоларни яхши тушунишади.

Буклетда келтирилган Ўқитишга доир қўлланмасида, квалификация бўйича таълимни режалаштиришда нималарни эътибордан четда қолдирмаслик тўғрисида маълумот мавжуд. Қуйидагилар ҳақида маълумотлар мавжуд:

- сизнинг квалификация курсингиз таркиби;
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун квалификацияни тузиб олишингиз;
- қандай қилиб сиз иш берувчилар билан алоқага чиқишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа ёрдамчи ва мақбул манбалар.

Биз сизга индивидуал қўлланма бердик. Ушбу қўлланма ўз ичига ўқув мақсадларига қай тарзда ёндашиш кераклиги борасида таклифларни, шунингдек дарсларни қизиқарли ва ранг-баранг тарзда ўтишга доир ғояларни олади. Шу билан биргаликда, сиз ўз вазифаларингизни қай тарзда режалаштириш тўғрисида маслаҳат ва ғояларни топасиз.

Ҳар бир модул учун биз синчиклаб танланган манбаларни қўшдик. Ресурслар рўйхати сиз ўз ўқувчиларингизга тавсия этишингиз ва/ёки ўқитишда ишлатишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеоларни ўз ичига олади.

9-модул: Сифатни стратегик бошқариш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади ўқувчиларга ташкилотнинг сифат соҳасидаги узоқ муддатли мақсадларига эришиш учун стратегик сифат функциясида стратегик ўзгаришларни бошлаш учун мослаштирилиши мумкин бўлган стратегияларни ўрганиш имкониятини беришдан иборат. Сифатни бошқаришга бўлган стратегик ёндашувни ишлаб чиқиш кўплаб ташкилотлар учун асосий мақсадга айланди. Сифатни стратегик бошқариш тушунчаси шундан иборатки, корхонанинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки ташкилий жараёнлар билан боғлиқ бўлишидан қатъий назар, у ўз фаолиятининг барча турларига сифат кўрсаткичларини киритиши лозим.

Ҳозирги вақтда кўплаб корхоналар, манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатнинг сифат функцияси сезиларли аҳамиятга эга хусусият ҳисобланишини тушунмоқдалар. Мижозларнинг фикр-мулоҳазалари ташкилотда қарор қабул қилувчи шахслар учун қимматли бошқарув маълумотини тақдим этиши мумкин. Мазкур фикр-мулоҳазалар бизнес томонидан ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқиш учун қўлланиладиган мижозларга, жараёнларга хизмат кўрсатиш сифати, шунингдек, маҳсулотлар ва корхона хизматларининг шарҳи, хусусан, маҳсулотни ёки хизматни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўз ичига олади. Шунингдек, сифат тизимини жорий этиш, ходимларни сифат циклида қимматли манба сифатида меҳнат қилаётганлар билан биргаликда жалб қилинишини талаб этади. Сифат кўрсаткичлари, мижозларнинг фикр-мулоҳазалари ва жалб этилган ходимлар билан боғлиқ барча мазкур омиллар ташкилотнинг сифатга бўлган ёндашувига стратегик ўзгартириш киритишга уринаётган, стратегик қарор қабул қилувчи шахсларга салмоқли таъсир кўрсатади. Бундай ўзгаришларни кўриб чиқишда ўқувчилар сифат функцияси учун асос яратиб беришга мўлжалланган турли назариялар ва моделлар тўғрисида хабардор бўлиши лозим. «Сифатни умумий бошқариш» модели (TQM) ва «Олтита сигма» методикаси сифат модулларининг иккита намунаси ҳисобланади; бироқ улар сифатга турли нуқтаи назардан ёндашадилар.

Агар TQM сифатни лидерликнинг барча даражалари ва ишчи кучини жалб этиш сифатида кўриб чиқса, «Олтита сигма» методикаси самарадорликнинг статистик кўрсаткичлари ёрдамида носозликлар сонини камайтириш йўли билан сифатни оширишга қаратилган. Иккала концепциядаги якуний натижа бир хил бўлиши мумкин (яъни янада яхшироқ маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш).

Ўқувчилар сифатга бўлган турли ёндашувлар маълумотлари ва уларни турли контекстларда қўллаш тўғрисида хабардор бўлиши лозим. Шунингдек, улар турли сифат моделларининг муайян иш шароитларидаги самарадорлигини танқидий таҳлил қилиши лозим бўлади. Шу сабабли ўқитувчиларга кейс-стадидан ва ўқувчиларни турли сифат моделларининг долзарблигини турли контекстларда таҳлил қилишга ундаш учун тадқиқот фаолиятдан фойдаланиши тавсия этилади. Шунингдек, ўқувчилар узоқ муддатли истиқболда сифатни таъминлаш тизимларидаги ўзгаришлар ёки такомиллашувларнинг кенг оқибатларини ўрганиши зарур бўлади. Бу улардан сифат функциясининг ташкилот стратегик мақсадларига қай даражада таъсир кўрсатганлигини баҳолаш учун ташкилот фаолияти натижалари тўғрисида миқдорий ва сифат таҳлилини ўтказишни талаб этади.

1-расм, бутун модул доирасидаги мазкур турли мавзуларнинг қандай ўрганилаётганлиги тўғрисида умумий тасаввур беради.



1-расм: 9-модул: ривожлантириш мавзулари

Модул билан танишиш

Ушбу модул учун яхши бошланғич нуқта бўлиб, ўқувчиларнинг иш жойларида қабул қилинган сифат тизимига бўлган муносабатлари бўйича уларнинг роллари ва мажбуриятлари тўғрисида сўров ўтказиш ҳисобланади. Сиз улардан ишчи кучи тузилмасининг сифат тизимига қандай таъсир кўрсатишини таққослаши ва солиштириши учун жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда ишлашини илтимос қилишингиз мумкин. Масалан:

- ишчи гуруҳлар хизмат кўрсатиш стандартларини ўрнатадиларми ва уларнинг мониторингини амалга оширадиларми?
- улар хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сифатнинг мақсадли кўрсаткичларини ўрнатиш устида ишляптиларми?
- гуруҳ раҳбарлари ёки супервайзерлар мазкур мақсадли кўрсаткичларни ўрнатяптиларми ёки мақсадларнинг қўйилишида гуруҳ аъзолари қанчалик фаол?
- сифатни доимий ошириб боришга ёрдам берувчи сифатни таъминлаш цикли мавжудми?
- ташқи буюртмачилар мижозларнинг фикр-мулоҳазалари ёрдамида сифат тузилмасига жалб этиляптими?
- фикр-мулоҳазалар тизимли ҳисобланадими?
- мижозларнинг фикрлари таҳлил қилиняптими?
- фикр-мулоҳазалар натижасида тизимлар ва жараёнларга ўзгартиришлар киритилдими?
- такомиллаштириш маълумотлари мижозларга қандай етказилади?

Кейин турли сифат моделларининг ташкилотдаги сифат тизимига қанчалик атайлаб ёки беҳосдан таъсир кўрсатганини кўриш учун турли сифат моделларининг ўзига хослиги ва хусусиятлари билан бирга ушбу саволларга жавобларни солиштириш мумкин. Сўнг, ўқувчилар сифат тизимидаги ёки ўз ташкилотидаги, ёки бошқа ташкилотдаги, ёхуд муайян ташкилий шароитлардаги ўзгаришларни режалаштириши мумкин. Улар ушбу таклиф этилаётган стратегик мақсадлар, шунингдек, улар томонидан амалга ошириш учун таклиф этилаётган ўзгаришларга таъсирларнинг мониторинги ва баҳосини қай тарзда назарда тутишини аниқ белгилаши лозим.

Ташкилотдаги ҳар қандай жиддий ўзгаришлар ўзининг шахсий муаммоларини юзага келтиради. Бу сифатни стратегик бошқариш нуқтаи назаридан ходимлар тузилмасидаги ўзгаришларни, шахсий жавобгарлик ҳамда ташкилий жараёнлар ва тизимлардаги ўзгаришлари талаб этиши мумкин. Шунингдек, бу ташкилотдаги бошқа лидерлар ва менежерларнинг бошқарувга бўлган ўз ёндашувларини ўзгартиришга бўлган ишончларини ўз ичига олиши мумкин.

Шу сабабли ўқувчи мазкур муаммоларни ечиш учун қўлланилиши мумкин бўлган бошқарув стратегияларини тушунаётганлигини кўрсатиши учун асосли маълумотлар тақдим этиши керак бўлади.

2-расм ушбу ёндашувнинг амалиётда қандай ишлашини намоиш этади.



2-расм: Модул билан танишиш

Ўқувчилар малаканинг фаолият муддати давомида яқунланган машқлар ва тадқиқот ишлари учун портфолио юритиши фойдали бўлади. Мазкур портфолио шахсни ривожлантириш режасини тайёрлашда, ихтисослашган менежментни ривожлантириш дастурларига ўтишда ёки юқори даражали раҳбарлик ва бошқарув лавозимларига кўтарилишга тайёрланишда фойдали бўлиши мумкин.

Ўқувчилар тақдимот тайёрлаши ва ўтказиши лозим бўлади. Бу уларга самарали коммуникацияга асосланган янги кўникмаларни ўзлаштиришга имкон беради. Ўқувчиларга натижаси самарали тақдимот ҳисобланган, илғор амалиёт масалалари бўйича маслаҳат бериш лозим. Илғор амалиётга мисол тариқасида батафсил ёзма кўринишда тақдим этилган, доим тақдимот билан бирга қилиниши лозим бўлган спикернинг маърузасини келтириш мумкин.

Спикерларни таклиф этиш, ўқувчиларга уларнинг ўқиши меҳнат бозорида қандай қўлланилиши мумкинлигини кўрсатишнинг яхши усули ҳисобланади. Ўқувчилар билан суҳбат учун марказий ҳукумат вазирликлари ёки хусусий сектор ташкилотларидаги стратегик бошқарув лавозимини эгаллаб турувчи шахслар таклиф этилиши мумкин.

Спикерларни синфга таклиф этишнинг муҳим шarti – уларнинг келишига яхши тайёргарлик кўришдир. Ўқувчилар спикернинг маърузаси бошланишига саволлар рўйхатини тайёрлаши лозим. Сўнг, саволларнинг мувофиқлигини текшириш ва уларни алоҳида ўқувчилар ўртасида

Саволлар тўртта тоифага ажратилиши лозим:

- спикер ишлайдиган ташкилотнинг функцияларига тааллуқли саволлар;
- ташкилот олдида турган асосий стратегик мақсадлар ва вазифаларга қаратилган саволлар;
- асосий эътибор таклиф этилган спикернинг стратегик бошқарув ролига ва ролни бажариш учун зарур бўлган стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларига қаратилган саволлар;
- ташкилотнинг ўз стратегик мақсадларини тарғиб қилишида дуч келаётган муаммолар ва ушбу муаммоларни ечиш усулларига қаратилган саволлар.

Баҳолаш модули

Қуйидаги 1-жадвалда ҳар бир ўқитиш мақсади учун мазмуннинг асосий соҳалари тақдим этилган. Эътибор беринг, ушбу модул учун ягона баҳо мавжуд.

Ўқувчилар, муваффақиятли натижага эришиш учун баҳолашнинг барча мезонлари, шу билан бирга барча ўқитиш мақсадлари бажарилиши зарурлигини тушуниши муҳим

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий соҳалари	Баҳолашга тавсия этилган ёндашув
A Ташкилотда операциялар бошқарувининг ролини тушуниш	A1 Операцияларни бошқариш A2 Стратегик мақсадлар A3 Унумдорликни бошқариш	Корхона учун сифатни яхшилаш стратегиясини тайёрлаш.
B Ташкилотда сифат бошқарувининг аҳамиятини тушуниш	B1 Сифат вазифалари B2 Сифатли моделлар	
C Ташкилотда сифатнинг стратегик ўзгаришини режалаштира олиш	C1 Сифатнинг стратегик ўзгаришини режалаштириш C2 Ўзгаришларни жорий этиш C3 Сифатнинг стратегик ўзгариши натижалари	

1-жадвал: Ўқитиш мақсадлари бўйича баҳолаш шарҳи

Баҳолаш бўйича қўлланма

Ушбу модул учун ўқитиш мақсадлари барча ўқитиш мақсадларини қамраб олган ягона баҳо ёрдамида (мазкур модул учун мустақил ишнинг қисқача йўриқномасининг намунасига қаранг) ёки муайян ўқитиш мақсадларини қамраб олган яқка тартибдаги топшириқлар ёрдамида баҳоланиши мумкин.

Юқорида келтирилган жадвалда мустақил иш учун намунага асосланган, тавсия этилган ёндашув кўрсатилган. Қуйида мустақил ишни бажариш бўйича қўлланма келтирилган.

А, В ва С ўқитиш мақсадлари

Ўқувчилар, улар томонидан сифатни ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун қўлланилган методологияни тушунтиришлари лозим. Масалан, бу экологик тадқиқотлар, юқори раҳбарият билан муҳокама, компания фаолиятидаги жорий тенденциялар ва жорий лавозим билан боғлиқ хатарларни баҳолаш бўлиши мумкин. Стратегик мақсадлар ҳақиқатга яқин ва операцияларни бошқаришга нисбатан тезкор эҳтиёжлар билан солиштирилган бўлиши лозим. Сифат стратегияси муайян модел учун ўзига хос бўлиши мумкин бўлган тегишли сифат моделлари билан аниқ асосланган бўлиши (TQM), масалан, сифатни умумий бошқариш учун ёки турли сифат моделларидан олинган элементларни ўз ичига олиши лозим.

Ўқувчилар стратегияни амалга оширишнинг оқибатларини аниқ белгилаб олиши лозим. Масалан, самарали амалиёт хатарларнинг таҳлилини ўз ичига олувчи харажатлар ва фойдалар таҳлилини назарда тутадиган ёндашувни тайёрлашдан иборат. Стратегияда уни қай тарзда баҳолаш ва уни амалга оширишни бошқаришда қандай бошқарув функциялари бажарилиши аниқ белгиланган бўлиши лозим. Ўқувчи стратегияни ички ва ташқи манфаатдор томонларга кутилаётган таъсирининг, шунингдек, обрў ва бренд имиджи каби элементлар учун оқибатларининг аниқ далилларини тақдим этиши лозим.

Модул бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

9-модул: Сифатни стратегик бошқариш
Кириш Ушбу модул ўқувчилар томонидан ўрганиладиган биринчи модул бўлиши эҳтимоли кам, шу сабабли ўқитувчи ўқувчи, эҳтимол, аллақачон яқунлаган модулларнинг мазмунига мурожаат қилиш имконига эга бўлади. Масалан, сифатни стратегик бошқариш, 4-модулда сўз борадиган корпоратив маданиятни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Муқобил тарзда сифатни таъминлаш тизимидаги ўзгаришлар гуруҳни бошқариш ва 11-модулга киритилган динамикага таъсир кўрсатиши мумкин. Ўқувчидан 3-модулда тавсифланган ташкилий контекстдаги ўзгаришларни бошқариш стратегиясини тушунишини кўрсатиш талаб этилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг курс доирасида ва ташкилий контекстда қўлланилиши зарур бўлган тегишли стратегик бошқариш кўникмалари томонидан қамраб олинadиган турли мавзулар ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлай олиши учун 7-даража дастури доирасидаги турли модуллар ўртасидаги ушбу алоқалар тўғрисида хабардор эканликларига ишонч ҳосил қилиши лозим.
А ўқитиш мақсади: Ташкилотда операциялар бошқарувининг ролини тушуниш А ўқитиш мақсадига эришиш учун ўқувчилар ташкилотдаги операцияларни бошқариш ролини ўрганиши мумкин. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг дебатлар ва мунозараларини уюштириши учун ўз ташкилотларидаги иш тажрибасидан фойдаланишни рағбатлантириши мумкин. Ўқувчилар операцион бошқарувнинг ташкилий мақсадларига эришишга қандай таъсир кўрсатиши ҳамда яқка тартибдаги ва гуруҳдаги иш орқали ўз ва бошқа ташкилотлардаги операцион бошқарув муваффақиятини тавсифлаш ва баҳолаши мумкинлигини тушуниши лозим. Бундай ўқитиш натижаларига эришишда тезкор бошқарув аҳамиятини намоён этиш учун кейс-стадидан фойдаланиш, қўшимча тажрибага эга бўлишга ёрдам бериши мумкин.
В ўқитиш мақсади: Ташкилотда сифат бошқарувининг аҳамиятини тушуниш В ўқитиш мақсадига эришиш учун ўқувчилар ташкилотда сифат бошқарувининг аҳамиятини тушуниши лозим. Ўқувчилар ўз ташкилотларидаги сифатни бошқаришни баҳолай оладилар, таклиф этилган спикерлар эса ўқувчиларга бошқа ташкилотларнинг сифатни қандай бошқариши тўғрисида фойдали маълумот тақдим этиши мумкин.

9-модул: Сифатни стратегик бошқариш**С ўқитиш мақсади: Ташкилотда сифатнинг стратегик ўзгаришини режалаштира олиш**

С ўқитиш мақсадига эришиш учун ўқувчилар стратегик ўзгартиришни режалаштиришнинг аҳамиятини ва ўзгаришларни режалаштириш жараёнининг муваффақиятга эришишда жиддий аҳамиятга эга эканлигини англаши лозим. Ўқувчилар ходимларнинг ўзгариш жараёнидаги иштирокини рағбатлантиришни ўз ичига олган ҳолда ўзгаришга даҳлдор бўлган шахс билан аниқ мулоқотнинг аҳамияти тўғрисида хабардор бўлиши лозим. Ўқувчилар дебатлар ва муҳокамалар учун фойдали бўлиши мумкин бўлган тажрибаларидан ушбу жараёнда ўз ташкилотларида фойдаланиши мумкин. Кейс-стади ва таклиф этилган спикерлар ўқувчиларга сифатни ўзгартириш жараёнидаги тизимларнинг аҳамиятини тушунишда ёрдам бериш учун қўлланилиши, шунингдек, сифатни режалаштирилган, стратегик ўзгартиришнинг кенг оқибатларини гуруҳда муҳокама қилиш фойдали бўлиши мумкин. Ўқувчилар режалаштирилган, сифатли ўзгартиришни жорий қилиш жараёнини тушуниши лозим. Улар сифатни мунтазам ошириш маданиятини ташкилотга қандай жорий этиш тўғрисида фикр юритиши мумкин. Кейс-стади ташкилотдаги сифатни умумий бошқаришда (TQM) маданият аҳамиятини намоён этиш учун қўлланилиши мумкин. Шунингдек, ўқувчилар сифатнинг стратегик ўзгаришларини, уларни амалга ошириш давомида мониторингни қай тарзда амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги масалаларни ўрганиши мумкин. Ўқувчилар сифатни стратегик ўзгартириш натижаларини қандай баҳолашни тушуниши лозим. Ўқитувчилар ўқувчиларни сифатнинг стратегик ўзгариши содир бўлиши мумкин бўлган ўз ташкилотларида эгалланган тажрибалари ва билимларидан фойдаланишини рағбатлантириши мумкин. Шунингдек, улар турли баҳолаш усуллари ҳамда улардан муваффақиятни баҳолаш учун қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида билиши зарур.

Бошқа ВТЕС модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул малакадаги бошқа барча модуллар асосидаги жиҳатлар ҳақида базавий билими ва тушунчасини тақдим этади.

Ресурслар

Китоблар

Bank J – «Сифатни умумий бошқариш моҳияти» (2-нашр), Prentice Hall (1999 г.), ISBN-13: 9780132849029.

Beckford J – *Сифат: Муҳим тушунчалар* (3-нашр), Routledge (2009 г.), ISBN-13: 9780415259194

Bicheno J – *Сифат 75: хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги олтига сигма*, PICSIE Books (2002), ISBN-13: 9780954124403

Brue G – *Менежерлар учун олтига сигма: ҳар қандай ташкилотда олтига сигма принципларини тушуниш ва қўллаш учун 24 та дарс*, McGraw-Hill Professional (2005), ISBN-13: 9780071455480

Burnes B – *Ўзгаришларни бошқариш* (5-нашр), Financial Times/Prentice Hall (2009), ISBN-13: 9780273711742

Covey S M R – *Ишонч тезлиги: барча нарсани ягона ўзгартиргичи*, Simon & Schuster Ltd (2006), ISBN-13: 9780743295604

Naylor J – *Тезкор бошқаришга кириш* (2-нашр), Financial Times/Prentice Hall (2002), ISBN-13: 9780273655787

Oakland J S – *ОУК: кейс-стадили матн* (3-нашр), Butterworth-Heinemann (2003), ISBN-13: 9780750657402

Pike J and Barnes R – *ОУК ҳаракатда* (2-нашр), Springer (1995), ISBN-13: 9780412715303

Веб-сайтлар

www.managementhelp.org

Лидерликни ривожлантиришни режалаштириш бўйича мақолалар ва блоглар учун бепул адабиёт.

www.managers.org.uk

Аъзоларнинг журнал мақолалари ва бошқа нашрларга кириш учун фойдаланиш мумкин бўлган излаш имкониятига эга маълумотлар базасини ўз ичига олувчи бошқарув бўйича малака институти веб-сайти.

www.managerwise.com

Бизнесни бошқариш ва ахборот манбаалари.

www.quality.org

Британия сертификатланган сифат институти веб-сайти.

www.asq.org

Америка сифат жамияти – сифат менежменти соҳасидаги профессионаллар учун мақолалар.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / университетнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришни маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	9-модул: Сифатни стратегик бошқариш
Ўқув соатлари	30
Дарслар сони	10
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	Барча модуллар

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Операцион бошқарув. А1 мавзуси		Кириш: Ўқитувчи модул мақсадлари билан таништириши лозим – мазмун шарҳи ва баҳолаш мезонлари. Ўқитувчи тақдироти: Операцион бошқарув – мақсад ва хусусиятлар. Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар Ишлаб чиқариш директори лавозимига ишга ёллаш тўғрисидаги эълонни ўрганадилар.	Модул спецификацияси. Интернетга уланган компьютерлар. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Тақдимотлар. Машқлар рўйхати. Флипчартлар ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар Ишлаб чиқариш директори учун зарур кўникмаларни аниқлаши лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Операцияларни бошқаришнинг аҳамиятини ўрганиш мақсадида аввалги машқларнинг натижаларидан фойдаланиш. • Ўқитувчи тақдироти: Операцияларни бошқаришни лойиҳалаштириш, бошқариш ва такомиллаштириш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар муайян ташкилотда тезкор бошқарувдаги такомиллаштиришларни аниқлайдилар ва жорий этадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Бошқарув фаолиятининг самарадорлиги учун уларнинг оқибатларини ўрганиш мақсадида аввалги машқ натижаларидан фойдаланиш. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	
2	Стратегик мақсадлар ва унумдорликни бошқариш. A2 ва A3 мавзулари		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи аввалги дарс хулосаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдироти: Қабул қилинган стратегик қарорлар, стратегик мақсадлар ва тезкор бошқарув.	Модул спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Флипчартлар ва ручкалар. Ўқитувчи тақдироти.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар тезкор бошқарувга нисбатан стратегик қарорларни муваффақиятли қабул қилишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлайдилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Тезкор бошқарувга таъсир кўрсатувчи асосий омилларни ўрганиш мақсадида аввалги машқлар натижаларидан фойдаланиш. • Ўқитувчи тақдироти: Унумдорликни бошқариш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар самарадорликни ошириш бўйича чораларга нисбатан тавсияларни ишлаб чиқиш учун экологик тадқиқотлар ва мувозанатли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланадилар. • Ўқувчининг тақдиротлари: Ўқувчилар аввалги машқ натижаларини тақдим этадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Аввалги машқлар натижаларидан экологик тадқиқот аҳамиятини, баҳолаш картасига бўлган мувозанатли ёндашувни ва бенчмаркингни ўрганиш мақсадида фойдаланиш. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	Машқлар рўйхати.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Сифат вазифалари В1 мавзуси		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи аввалги дарс хулосаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдимоти: Сифатнинг асосий бизнес-функция бўлишига олиб келган омиллар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар 20- ва 21-асрлардаги асосий сифат «гуру»сини ўрганиши лозим. • Ўқувчининг тақдимотлари: Ўқувчилар ўз тадқиқотлари натижаларини тақдим этиши лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Сифат моделларининг умумий жиҳатлари ва уларга бўлган ёндашувдаги асосий фарқлар. • Ўқитувчи тақдимоти: 5 та бўшлиқ модели. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар муайян ташкилотга нисбатан хизмат кўрсатиш ва истеъмолчиларнинг кутаётган натижаларини тақдим этиш соҳасини таҳлил қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ташкилот учун 5 та бўшлиқ модели оқибатларини ўрганиш. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	Модул спецификацияси. Интернетга уланган компьютерлар. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Флипчартлар ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти. Машқлар рўйхати.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Сифатли моделлар. Мавзу В2		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи аввалги дарс хулосаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдироти: Сифатга бўлган япон ёндашувининг Европа сифат функциясига таъсири. Сифатга бўлган Балдриджд ёндашуви асосида ётувчи тамойиллар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: EFQM моделини ўрганувчи ўқувчилар – хусусиятлар ва оқибатлар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: EFQM модели ташкилий хатти-ҳаракатга қандай таъсир кўрсатади. • Ўқитувчи тақдироти: Олтита сигма модели. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар самарадорлик кўрсаткичларининг турларини ўрганадилар, шунингдек, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлайдилар, ўрнатадилар ва амалга оширадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Илғор амалиётни аниқлаш учун аввалги машқ натижаларидан фойдаланиш. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	Модул спецификацияси. Интернетга уланган компьютерлар. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Флипчартлар ва ручкалар. Ўқитувчи тақдироти. Машқлар рўйхати.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Харажатлар ва фойдаларнинг ҳамда хатарлар таҳлили. B2 мавзуси		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи аввалги дарс хулосаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдироти: харажатлар ва бизнес-хатарлар самарадорлигининг таҳлили; хатарларни бошқариш режалари. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар харажатлар ва даромадларнинг амалий қўлланилишини, шунингдек, хатарларнинг таҳлили ва баҳоланишини ўтказадилар. • Ўқитувчи тақдироти: Бизнес жараёнлар реинжиниринги (BPR); ўзгаришларни бошқариш ва сифатни ошириш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар бутун ташкилотда узлуксиз такомиллашув маданияти ёрдамида ривожланиши мумкин бўлган усулларни таклиф этадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг аввалги машққа берган жавобларини ўрганиш ва илғор тажрибани аниқлаш. • Ўқитувчи тақдироти: 6-дарсга таклиф этилган спикер ҳақида маълумот.	Модул спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Флипчартлар ва ручкалар. Ўқитувчи тақдироти. Машқлар рўйхати.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар навбатдаги Дарсларнинг давом этиш вақтида таклиф этилган спикерга бир қатор саволлар берилишини таклиф этадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Навбатдаги дарсда таклиф этилган спикерга бериладиган саволларни тасдиқлаш. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	
6	Таклиф этилган спикер. Мустақил иш бўйича семинар. A1-A3 ва B1-B2 мавзулар	ТС	• Кириш: Ўқитувчи таклиф этилган спикерни аудитория билан таништиради. • Таклиф этилган спикернинг тақдироти: Сифат тизимини жорий этиш, бошқариш ва мониторинг қилиш. • Саволлар – жавоблар сессияси: Ўқувчилар аввалги дарсда тайёрланган саволларни таклиф этилган спикерга беришлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Сифат назарияларининг сифат тизимини жорий этишга қандай таъсир кўрсатди. • Ўқитувчи тақдироти: Мустақил иш бўйича семинарга кириш. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар мустақил ишни кўриб чиқадиладар, ўзларини қизиқтирган саволларни кўтарадиладар ва мустақил иш топшириғига киришадиладар.	Модул спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Флипчартлар ва ручкалар. Мустақил иш. Тақдирот слайдлари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	
7	Сифатнинг стратегик ўзгаришини режалаштириш. С1 мавзуси		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи аввалги дарс хулосаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдимооти: Бўшлиқлар таҳлили – тамойиллар ва хусусиятлар; стратегик ўзгаришларнинг мақсад ва вазифалари. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар стратегик ўзгаришлар бўйича ҳатти-ҳаракатларни режалаштиришда иштирок этадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Аввалги дарс натижаларининг таҳлили ва илғор амалиётни аниқлаш. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар мустақил ишдаги топшириқлар устида ишлашни давом этадилар. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	Модул спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Флипчартлар ва ручкалар. Тақдимот слайдлари. Мустақил иш. Машқлар рўйхати.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Ўзгаришларни жорий этиш. C2 мавзуси		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи аввалги дарс хулосаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдимоти: Сифатнинг функцияларига стратегик ўзгартиришни амалга ошириш учун тизим ишлаб чиқиш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар корхонадаги сифатни умумий бошқариш (TQM) билан танишадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Аввалги машқ натижалари шарҳи. • Ўқитувчи тақдимоти: Сифатни оширишни қўллаб-қувватлаш стратегиялари. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ISO 9000 сифат стандартининг хусусиятларини ўрганадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ISO 9000 ва TQM ўртасидаги асосий фарқларни аниқлаш. • Ўқитувчи тақдимоти: Сифатни оширишни қўллаб-қувватлаш стратегиялари. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ўз фаолияти ёки хизмат кўрсатиш сифатини оширишни қўллаб-қувватлашга интилаётган корхоналар дуч келадиган афзалликлар ва муаммоларни аниқлашлари лозим. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган ўқитишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлайди.	Модул спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. Интернетга уланган компьютерлар. Флипчартлар ва ручкалар. Тақдимот слайдлари. Машқлар рўйхати.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
